

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

**“МОЛИЯ, БАНК ВА СОЛИҚ ҲУҚУҚИ”
КАФЕДРАСИ**

**Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этишда ҳуқуқни
муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти**

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс
“Тадбиркорлик ҳуқуқий
фаолият” йўналиши талабаси
Д.М.Раҳмонов

Илмий раҳбар: “Молия, банк ва
солиқ ҳуқуқи” кафедраси
ўқитувчиси **Э.Ж.Раҳматов**

ТОШКЕНТ – 2016

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----------|
| КИРИШ | 3 |
| I БОБ. СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ ВА ТУРЛАРИ | 8 |
| 1.1. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги умумий қоидалар..... | 8 |
| 1.2. Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик..... | 11 |
| 1.3. Солиққа оид ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг таснифи (хорижий тажриба мисолида)..... | 23 |
| <i>1-боб бўйича умумий хулоса</i> | 33 |
| | |
| II БОБ. СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | 35 |
| 2.1. Давлат солиқ хизмати органларининг солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этишдаги роли ва аҳамияти..... | 35 |
| 2.2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва судлар томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш тартиби..... | 53 |
| 2.3. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларни бартараф этишни такомиллаштириш масалалари..... | 62 |
| <i>2-боб бўйича умумий хулоса</i> | 65 |
| ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР | 66 |
| ИЛОВА | 69 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 76 |

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Солиқлар ва давлат – бир-бирларига бевосита боғлиқ: давлат солиққа тортиш тизимисиз мавжуд бўла олмайди, шу билан бирга солиқлар ҳам давлатсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Солиқларнинг пайдо бўлиши дастлабки давлат тузилмаларининг вужудга келиши даврига алоқадор бўлиб, товар ишлаб чиқариш юзага келиши билан давлат аппарати – давлат хизматчилари, армия, судлар шаклланган. Солиқларнинг вужудга келиши энг биринчи ўриндаги жамият талаблари билан боғлиқ бўлиб, давлатга доимо пул воситалари зарур бўлган: табиий офатларни бартараф этишда, йўллар қуришда, жамоат тартибини таъминлашда ва хоказо. Ва айнан солиқлар давлат зиммасида ётган вазифаларни бажаришга йўналтириладиган пул маблағларининг асоси ҳисобланади.

Замонавий давлатда солиқнинг ўрни жуда юқори ўринда туради, улар давлат даромадининг асосий қисмини ташкил этади ва унга ўзининг функцияларини тўлақонли равишда амалга оширишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг аҳамияти ва солиқ сиёсатини вазифалари ҳақида алоҳида эътибор қаратган ҳолда қуйидагича фикр билдирган эди: - “Солиқ сиёсатининг вазифаси – бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан - корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат”¹. Давлатимиз раҳбарининг юқорида келтирилган фикрлари давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи бўлмиш солиқларнинг фискал ва рағбатлантирувчи хусусиятларини ифодалаб беради. Таъкидлаш жоизки, барча бозор иқтисодига эга мамлакатларда солиқлар бюджет даромадининг асосий манбасини ташкил этиши тан олинади. Бу хулосани рақамлар тасдиқлайди.

¹ Каримов И.А Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон. 1998

Бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига 2014-2015 йилларнинг III чорагидаги тушумлар таркиби таҳлил қилинса, Давлат бюджетига ундирилган маблағларнинг асосий қисми солиқлар ва йиғимларга тўғри келишини кўриш мумкин². 2015 йилнинг III чорагида Давлат бюджетига ундирилган маблағлардан бюджет тўловларига 63,9 фоизи, Пенсия жамғармаси тўловларига 30,6 фоизи, Республика йўл жамғармаси тўловларига 3,8 фоизи, Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси тўловларига 1,7 фоизи тўғри келган³.

АҚШда федерал бюджет даромадининг 70% солиқ тушумлари ҳисобига, Буюк Британия ва Японияда – тегишлича 80% ва 85% дан кўпроқ қисмини эгаллайди⁴. Юқоридаги рақамлардан кўриш мумкинки, солиқлар давлат маблағларини шакллантиришда зарур механизмга айланиб улгурган.

Давлат талаб қилинадиган суммаларни солиқ тўловчилар сифатида эътироф этилган барча жисмоний ва юридик шахслардан ундириши шарт. Аммо, ҳали бирор бир давлат ушбу мақсадга ишонтириш йўли билан эриша олмаган.

Битирув малакавий иши ҳозирги кунда кўп учрайдиган масалалардан бири – солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига бағишланган.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини комплекс тарзда ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали, унинг ўрни ва ролини ҳамда қўлланилишининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ва аниқлаш, шулар натижасида солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган

² https://soliq.uz/uz/about/statistik_malumotlar.pdf

³ https://soliq.uz/uz/about/statistik_malumotlar.pdf

⁴ http://knowledge.allbest.ru/finance_.html

таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, **қуйидаги вазифалар** белгиланди:

- солиққа оид ҳуқуқбузарликларни солиққа оид ҳуқуқбузарликлар таркибини таҳлил қилиш жараёнида ҳуқуқни қўллашдаги муаммоларни кўрсатган ҳолда ўрганиш;
- солиқ тизимига қарши йўналтирилган солиққа оид жиноятларни ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни чегаралашни амалга ошириш;
- хорижий мамлакатларнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг юридик хусусиятлари ва таркибини ёритиб бериш, уларни турли юридик жавобгарлик асоси сифатида кўриб чиқиш, шунингдек уларни ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тадқиқот методлари. Ушбу тадқиқот ишини олиб боришда таҳлил ва синтез, мантикий методлар, таққослама таҳлил ва бошқа методлардан самарали фойдаланилди.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида солиқ соҳасига дахлдор бўлган илмий изланишлар Л.Б.Хван томонидан – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятининг маъмурий-ҳуқуқий муаммолари бўйича⁵, Б.Ю.Сирожов томонидан - Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари бўйича, Е.С.Канъязов томонидан – Ўзбекистон Республикасида солиқ назоратини амалга оширишнинг маъмурий-ҳуқуқий муаммолари бўйича⁶, Э.Т.Хожиев томонидан – Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари бўйича⁷ олиб борилган.

⁵ Хван Л.Б. Административно-правовые проблемы деятельности Государственного налогового комитета Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1998. – Б.28.

⁶ Канъязов Е.С. Административно-правовые проблемы осуществления налогового контроля в Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2005. – Б.29.

⁷ Хожиев Э.Т. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. – Т., 2006.

Шунингдек, солиқ масалалари А.В.Андреев, О.Н.Горбунова, Е.Ю.Грачева, М.В.Карасева, Ю.А.Крохина, А.А.Ли, А.А.Мусаткина, А.А.Раҳимова, Э.Т.Ҳожиёв, Н.И.Химичева, Ш.Билолхўжаева, Ғ.Т.Ҳақимов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган⁸.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда солиқлар аҳамияти ва ролининг ошиб бориши билан, кўпгина ҳуқуқшунос олимлар: А.З.Арсланбекова, А.В.Брызгалин, В.А.Мачехин, С.Г.Пепеляев, Л.Б.Хван, В.В.Худолеев ва ҳ.к.лар солиқ ҳуқуқини мустақил соҳа сифатида кўриб чиқишади.⁹

Аммо айнан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига доир илмий-назарий масалалар яхлит тадқиқот иши даражасида ўрганилмаган эди. Мазкур ҳолат ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини ва илмий янгилигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг объекти. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Мазкур тадқиқот ишининг предмети бўлиб, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига қаратилган амалдаги қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

⁸Андреев А.В. Финансово-правовые санкции: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1984. – Б.193; Финансовое право: Учебник / Под ред. проф. О.Н.Горбуновой. – М.: Юристъ, 1996. – Б.400; Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. Финансовое право: Учеб.пособие. – М.: Юристъ, 2001. – Б.384; Карасева М.В. Финансовое правовотношение: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Воронеж, 1999. – Б.369; Крохина Ю.А. Финансовое право: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2004. – Б.704; Ли А.А. Финансовое право Республики Узбекистан. Учебник. / Отв.ред. М.Х.Рустамбаев. – Т.: ТГЮИ, 2003. – Б.416; Мусаткина А.А. Финансовая ответственность в системе юридической ответственности: Автореф. дис. ... канд. юр. наук – Тольятти, 2004. – Б.28. Раҳимова А., Ҳожиёв Э. Молия ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент, 2002. – Б.408; Финансовое право: Учебник / Отв.ред. Н.И.Химичева – М.: Издательство БЕК, 1996. – С. 525.; Ш.Билолхўжаева, Ғ.Т.Ҳақимов. Ўзбекистон Республикасининг молия ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. – Т., 2012

⁹Арсланбекова А.З. Налоговые санкции в системе мер финансово-правовой ответственности: Дис. ... канд. юрид. наук. – Махачкала, 2001. – Б.179; Налоги и налоговое право. Учебное пособие / Под.ред. А.В.Брызгалина. – М., 1997. – Б.600;Мачехин В.А. Налоговая ответственность налогоплательщиков: Автореф. дис. ... канд. юр. наук – М., 2002. – Б.23; Налоговое право: Учебник / Под ред. С.Г.Пепеляева. – М.: Юристъ, 2004. – Б.591;Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Тошкент, Консаудитинформ, 2001. – Б.432; Худолеев В.В. Налоги и налогообложение: Учеб.пособие. – М.: ФОРУМ; ИНФРА-М, 2004. – Б.256.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, битирув малакавий ишининг илмий хулосаларидан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар масалаларини кенг кўламда чуқур тадқиқ этишга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин. Мазкур тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, унда берилган тақлиф ва тавсиялар мамлакатимизда солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин. Амалга оширилган тадқиқот натижасида бир қатор ташиқилий-ҳуқуқий тақлифлар илгари сурилиб, улар рўёбга чиққан тақдирда, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бузганлик учун жавобгарлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими самарадорлиги янада юксалиши мумкин.

Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида “Солиқ ҳуқуқи”, “Молия ва солиқ ҳуқуқи” фанларидан ўқув қўлланмаси тарзида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Ушбу битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 9 июндаги “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 225-сонли буйруғига мувофиқ тайёрланган. Мазкур тадқиқот иши кириш, иккита боб, олтита параграф, хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

1.1. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги умумий қоидалар

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчасига бир неча олимлар турли хил таъриф берганлар. Хусусан, ҳуқуқшунос олим А.В.Демин ушбу тушунчага ҳуқуқий таъсир чораси сифатида молиявий санкцияларни қўллаш кўзда тутилган, солиққа оид мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган ҳуқуққа хилоф, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик¹⁰, дея изоҳ беради. Ҳуқуқшунос олим Л.В.Хван эса ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беради, яъни солиқ ҳуқуқбузарлиги бўлиб ҳуқуққа хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланиб, қонунчилик нормаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланади ҳамда бу учун турли ҳуқуқ соҳалари қонунчилик актлари билан юридик жавобгарлик назарда тутилган¹¹. Ҳуқуқшунос олим Э.Т.Хожиев эса, жавобгарлик назарда тутилган ҳамда солиқ қонунчилиги билан тартибга солинадиган ва қўриқланадиган муносабатларга тажовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизликдан) содир этилган қилмиш¹², деб ҳисоблайди. Р.Т.Бердияров ва З.Н.Қурбоновларнинг фикрича, солиққа оид ҳуқуқбузарлик – бу солиқ қонун ҳужжатлари билан юридик жавобгарлик назарда тутилган, ҳуқуққа хилоф, айбли ҳаракат (ҳаракатсизлик) бўлиб, солиқ муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, солиқ мажбуриятларининг бажарилмаганлиги билан бевосита боғлиқдир. Солиқ ҳуқуқбузарлиги содир этилганда бевосита давлат мажбурлов чоралари қўлланилади¹³. Бизнингча, А.В.Деминнинг фикри ушбу таърифга энг

¹⁰ Демин А. В. Налоговое право России. Учебное пособие. – Красноярск. 2006., С.267

¹¹ Хван Л.В. Солиқ ҳуқуқи. Т.: Консаудитинформ 2001 й., Б.118

¹² Хожиев Э.Т.Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. Монография: Т.: 2006 й.

¹³ Бердияров Р.Т., Қурбонов З.Н. Солиқ ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т.:2010 йил Б.231

яқинидир. Сабаби, таъкидланганидек, солиққа оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари сифатида фақат молиявий санкциялар қўлланилади. Бундан ташқари, ушбу таъриф солиққа оид ҳуқуқбузарликни тўлалигича қамраб олади.

Солиқ кодекси (бундан кейинги ўринларда СК деб юритилади)нинг 106-моддаси¹⁴да солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчаси ёритилган бўлиб, унга кўра, “Солиқ тўловчининг ушбу Кодексда жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади”.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва уларни олдини олиш бўйича давлатимизда амалга оширилаётган тегишли чоралар ўз натижасини бермоқда. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатлари халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келмоқда.

Иқтисодчи олим Б.И. Исроилов содир этилган ҳуқуқбузарликларни унинг иқтисодий мазмуни бўйича уч турга бўлади:

- ❖ Солиқлар ва бошқа тўловларни ҳисоблашга доир;
- ❖ Солиқлар ва бошқа тўловларни ундириш ҳамда бюджетга тўлашга доир;
- ❖ Банкларнинг солиқ тўловчилар маблағларининг бюджетга белгиланган тартибда ўтказилишига доир сабаблар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар¹⁵.

Шунингдек, олим юқорида таъкидланган ҳуқуқбузарликлар янада чуқур таҳлил қилинган ҳолда уларнинг турли шаклда содир этилишини ҳисобга олиб, солиқ ва бошқа тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни уларни содир этиш йўналиши бўйича қуйидагича таснифлайди:

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда)

¹⁵ Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Т.:, “Ўзбекистон” 2006 й., Б.220-226.

Солиқ базасини камайтириш ёки яшириш;

Солиқ объекти ҳисобини юритиш тартибини бузиш;

Солиқ органларига ҳисоботлар тақдим этиш тартибини бузиш;

Солиқларни тўлаш тартибини бузиш.

Таъкидланган ҳуқуқбузарлик ҳам ҳар бири содир этилиш характерига кўра ҳам бир неча турларга таснифланган. Жумладан, солиқ базасини яшириш ёхуд солиқ объектини камайтириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар:

- Солиқ солиш базасини яшириш;
- солиққа тортиладиган даромадни камайтириш;
- солиққа тортиладиган бошқа объектларни яшириш.
- солиқ объекти ҳисобини юритиш тартибини бузишга оид

ҳуқуқбузарликлар:

- солиқ объектини ҳисобга олмаслик;
- солиқ объектини ҳисобини юритмаслик натижасида даромадларни

камайтириш;

• солиқ объекти бўйича ҳисоб-китоб ишларини белгиланган тартибда юритмаслик натижасида даромадни камайтириш ёки яшириш.

• солиқ органларига ҳисоботлар тақдим этиш тартибини бузиш орқали ҳуқуқбузарликлар содир этиш:

- солиқ органларига ҳисоб-китоб ва ҳисоботларни тақдим этмаслик;
- солиққа оид ҳисоб-китоб ва ҳисоботларни белгиланган муддатидан кеч

ҳамда ўзгартирилган шаклларда тақдим этиш.

Солиқ тўлаш тартиби билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар эса:

• солиқ тўловчининг солиқларни тўлаш юзасидан берилган топшириқларни ёхуд солиқ органининг қонуний тўлов талабномасини бажармаслик;

• солиқ ва тўловларни тўлаш муддатини кечиктириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга ажратиш мумкин¹⁶.

Ю.А.Крохина солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг қуйидаги юридик хусусиятларини кўрсатиб ўтади:

- ⇒ ҳуқуққа хилофлик;
- ⇒ айбнинг мавжудлиги;
- ⇒ қилмишнинг жазога сазоворлиги сингари¹⁷.

1.2. Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик

Солиқ тўловчининг СКда жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлиги ўн олти ёшдан бошлаб вужудга келади.

Ҳеч ким ҳуқуқбузарлик учун СКда назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Агар жисмоний шахс содир этган ҳуқуқбузарликда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаса, бу ҳуқуқбузарлик учун СКда назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда қўлланилади.

Юридик шахснинг ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмайди.

¹⁶ Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Т.: „Ўзбекистон“ 2006 й., Б. 220-226.

¹⁷ Хожиев Э.Т. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. Монография. Т.: 2006 й. Б. 54-55.

Солиқ тўловчининг ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши уни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.

Шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор ҳисобланмайди. Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбсиз эканлигини исботлаши шарт эмас.

Солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан камраб олиш ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилади. Бунда жариманинг узил-кесил миқдори жариманинг юқори миқдори назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган энг кўп миқдордан ошиши мумкин эмас.

Агар ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар қўлланилган шахс молиявий санкциялар қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этмаган бўлса, у молиявий санкцияларга тортилмаган ҳисобланади.

Шахс ҳуқуқбузарлик учун қуйидаги ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас:

Ҳуқуқбузарлик содир этганлиги фактининг йўқлиги;
ҳуқуқбузарлик содир этилишида шахснинг айби йўқлиги.

СКда назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд бўлган тақдирда, шахс ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Солиқ тўловчи солиқ текшируви ўтказилгунига қадар хатони ўзи тузатган тақдирда жавобгарликдан озод этилади, пеня тўлаш бундан мустасно.

Шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини истисно қиладиган ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

Ҳуқуқбузарлик белгилари бўлган қилмишнинг табиий офат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида содир этилганлиги (мазкур ҳолатлар ҳаммага маълум фактларнинг мавжудлиги, ОАВда эълон қилинган маълумотлар ва исботлаш учун махсус воситалар талаб этилмайдиган бошқа усуллар билан белгиланади);

Ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган қилмиш бундай қилмиш содир этилган пайтда касаллик оқибатида, ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган (мазкур ҳолатлар мазмуни, моҳияти ва санаси бўйича ҳуқуқбузарлик содир этилган ўша солиқ даврига тааллуқли бўлган ҳужжатларни тақдим этиш орқали исботланади) жисмоний шахс - солиқ тўловчи томонидан содир этилганда;

ваколатли органлар ёки улар мансабдор шахсларининг солиққа оид конун ҳужжатларининг қўлланилиши масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида берган ёзма тушунтиришлари солиқ тўловчи томонидан бажарилганда (мазкур ҳолатлар ушбу органларнинг тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда белгиланади, ушбу ҳужжатлар маъноси ва мазмунига кўра, ҳужжатлар қабул қилинган санадан қатъи назар, ҳуқуқбузарлик юз берган солиқ даврига тааллуқли бўлиши лозим).

Шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида ўн олти ёшга тўлмаган жисмоний шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилганда;

солиқ мажбуриятлари бўйича даъво муддатлари тугаганда.

Ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

оғир шахсий ёки оилавий шароитлар кечиши оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этиш;

тахдид ёки мажбурлаш таъсирида ёхуд моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли ҳуқуқбузарлик содир этиш;

суд томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи деб топилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар.

Ҳуқуқбузарликнинг илгари худди шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилганлиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этилади.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги “Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 210-сон Қарорининг 43-бандида таъкидланишича, “Молиявий санкцияни қўллашда хўжалик судлари Солиқ кодексининг 111-моддасида белгиланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларнинг тугал эмаслигини, оғирлаштирувчи ҳолат эса тугал ҳисобланишини инобатга олишлари лозим.

Жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар қатъи белгиланган молиявий санкцияларни қўллашда инобатга олинмайди”.

Молиявий санкциялар ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга - солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларга нисбатан молиявий санкциялар фақат суд тартибида қўлланилади, пеня ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно.

Қўлланиладиган молиявий санкция ҳуқуқбузарликнинг оқибатларига номутаносиб бўлган, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, шунингдек ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олиб, суд ушбу Кодекснинг 17-бобида назарда тутилган молиявий санкциянинг энг кам даражасидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санкция энг кам миқдорининг

25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, сабаблар ва асосларни албатта кўрсатган ҳолда молиявий санкция қўллашга ҳақли.

Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня материаллар судга берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, тадбиркорлик субъекти - солиқ тўловчи ўзига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун жарималар қўлланилишидан озод қилинади.

Ушбу битирув малакавий ишининг иловасида келтирилган жадвалда солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳамда улар учун жавобгарлик чоралари келтириб ўтилган.

Бизга маълумки, давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ҳисобига шакллантирилади ва уларнинг ўз вақтида тўланиши давлатнинг иқтисодий-ижтимоий вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ушбу соҳадаги асосий қонун ҳужжати ҳисобланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар фақат ушбу кодекс билан белгиланиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Кодексида солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари, солиқ мажбуриятларини бажариш тартиби ва мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари ҳам белгилаб берилган. Ҳар бир фуқарога ўзининг солиқ мажбуриятларини ҳамда ҳуқуқларини билиш муҳим, зеро, қонунни билмаслик ҳеч кимни жавобгарликдан озод этмаслиги барчага маълум.

Солиқ кодексига кўра, ҳар бир солиқ тури қуйидаги элементларга эга бўлган тақдирдагина белгиланган деб ҳисобланади:

- солиқ солиш объекти;
- солиқ солинадиган база;
- ставка;

- ҳисоблаб чиқариш тартиби;
- солиқ даври;
- солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби;
- тўлаш тартиби.

Кўрсатиб ўтилган элементлар ҳар бир солиқ тури учун алоҳида белгилаб қўйилган бўлиб, уларни тўғри қўллай билиш керак.

Ҳар бир солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиши (тадбиркорлик субъектлари учун), солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт¹⁸.

Мисол учун, оилавий корхонанинг солиққа тортилишини олайлик. “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддаси¹⁹га кўра, оилавий корхона томонидан ягона солиқ тўланади. Солиқ кодекси талабига мувофиқ, оилавий корхона бошқа микрофирма ва кичик корхоналардан фарқли ўлароқ, умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартибига ўтиши мумкин эмас. Ягона солиқ ставкаси Солиқ кодексида белгиланган чегирмалар чиқариб ташланган ялпи тушумнинг 6 фоизини ташкил қилади. Оилавий корхона томонидан давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилади ва ушбу муддатлардан кечиктирмасдан ҳисобланган солиқ тўланади.

Солиққа оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун нафақат Солиқ кодексида жавобгарлик белгилаб қўйилган, балки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда, шунингдек Жиноят кодексида ҳам тегишли жавобгарлик назарда тутилган.

¹⁸ Ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик. Манба: <http://utax.uz/>

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда)

Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддаси²⁰га мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш - ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жисмоний шахсларнинг солиқ жавобгарлиги 16 ёшдан бошлаб пайдо бўлади. Агар жисмоний шахс содир этган солиққа оид ҳуқуқбузарликда Жиноят кодексда назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаса, Солиқ кодексда назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади. Якка тадбиркор бир вақтнинг ўзида ҳам солиқ жаримасига, ҳам жиноий жавобгарликка тортилмайди. Алоҳида ташкилотнинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмайди.

Фуқаролар ёки ташкилотлар солиқ жавобгарлигига тортилганлиги солиқларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Солиқлардан қочиш, уларни яшириш ва тўламаслик каби масалалар бўйича ҳар бир мамлакатнинг ўзига яраша ҳимояси, унга қарши кураш олиб бориш ва қонунбузарликни олдини олиш стратегияси мавжуд.

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимларини ва уларнинг меъёрий ҳужжатларининг таҳлиллари шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакатда солиқ ва тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва уларни яшириш учун бир қатор усуллар ишлатилади. Уларни олдини олиш, бундай фаолият натижасида давлат бюджетига келтириляётган зарарларни қоплаш ва келгусида бундай фаолият юритмасликка қарши курашда қўлланиладиган жарималар ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Россия Федерациясида солиқ ҳуқуқбузарликлари учун жазо чоралари Солиқ кодексига мувофиқ амалга оширилади. Кодексда солиқ

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон

хуқуқбузарлигидан келиб чиқиб, жавобгар солиқ субъектлари қуйидагича аниқланади:

Солиқ тўловчилар жавобгарлиги;

Солиқ агентлари жавобгарлиги;

Бошқа шахсларнинг жавобгарлиги.

Ушбу таснифлашга мувофиқ, Россия Федерацияси Солиқ Кодексида солиқ хуқуқбузарликлари ва уларни содир этилганлиги учун белгиланадиган жазо чораларини кўриб чиқамиз.

Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги:

1. Солиқ идораларидан рўйхатдан ўтиш муддатларини бузганлик учун РФ Солиқ кодексининг 116-моддасида ушбу юридик ёки жисмоний шахс (тадбиркор) томонидан қасдан содир этилган хуқуқбузарлик деб таснифланади ва қуйидаги жарималар қўлланилади:

- солиқ идораларидан рўйхатдан ўтиш учун аризани 90 кунгача кечиктириш 5000 рубл миқдорида;

- солиқ идораларидан рўйхатдан ўтиш учун аризани 90 кундан ортиқ муддатга кечиктириш 10 000 рубл миқдорида.

Кодекснинг 117-моддасига мувофиқ, солиқ идораларидан рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш, яъни рўйхатдан ўтмай фаолият амалга ошириш ҳолларида қуйидаги жазо чоралари қўлланилади:

- 90 кунгача муддатда рўйхатдан ўтмасдан фаолият амалга оширилса, ушбу фаолият давомидаги олган даромадларини 10% миқдорида, лекин 20 000 рублдан кам бўлмаган миқдорда;

- 90 кундан ортиқ муддатда рўйхатдан ўтмасдан фаолият амалга оширилса, ушбу фаолият давомида олган даромадаларини 20% миқдорида.

2. Ҳисобварақ очилганлиги тўғрисида маълумотларни муддатида солиқ идораларига тақдим этилмаганлиги учун 5000 рубл миқдорда жарима қўлланилади.

3. Солиқ идораларига ҳужжатларни топшириш муддатларига амал қилмаслик:

а) Солиқ декларациясини тақдим этмаслик Кодекснинг 119-моддасига мувофиқ:

- 180 кунгача бўлган муддатга кечиктирилса, ҳар бир ой учун солиқ суммасини 5% миқдорида, лекин жами ойлар учун солиқ суммасининг 30% фоизидан ошмаган ҳамда 100 рублдан кам бўлмаган миқдорда;

- 181 кун ва ундан юқори муддатга кечиктирилса, ҳар бир ой учун солиқ суммасини 30% миқдорида;

б) Солиқ тўловчи томонидан бухгалтерия ҳисоботлари, бўлимлари (филиаллари) тўғрисидаги маълумотларни, банкротлиги тўғрисидаги, манзили ўзгарганлиги ва бошқа қонунда белгиланмаган ҳужжатларни муддатида тақдим этилмаганлиги учун, ҳар бир тақдим этилмаган ҳужжатга 50 рубл миқдорида.

4. Солиқ идораларининг қонуний ҳаракатларига қаршилик кўрсатиш қўйидаги миқдорда жарима қўлланилишига сабаб бўлади:

- солиқ тўловчининг ўз ҳудудига ёки биносига солиқ, божхона ва бошқа назорат идоралари мансабдор шахсларини киришларига қаршилик қилиши 5000 рубл миқдорда.

5. Мажбурий солиқ тўловлари бўйича бюджет интизомини бузганлик учун Кодекснинг 122-моддасига мувофиқ, қўйидаги миқдорда жарима қўлланилади:

а) даромад ва харажатлар ҳисобини юритишни қўпол ҳолда бузилиши, агар бу ҳол фақат бир ҳисобот даврида амалга оширилса, 5000 рубл миқдорида;

б) солиқ суммаларини бутунлай ёки қисман тўламаслик:

- солиқ базасини камайтириш ёки солиқларни ҳисоблаш натижасида солиқларни бутунлай ёки қисман тўламаслик қасддан содир этилган бўлса, тўланмаган солиқ суммасининг 40%и миқдорида.

6. Фуқароларнинг солиқ мажбуриятлари:

- фуқаро томонидан декларация тақдим этилмаса ёки нотўғри маълумотлар кўрсатилган ҳолда тақдим этса, катта миқдордаги суммалар

учун 200 дан 500 минимал иш ҳақи миқдоригача ёки 2 ойдан 5 ойгача муддатда минимал иш ҳақи миқдорида ёки 180 кундан 240 кунгача мажбурий тарзда ишга жалб этиш ёки 1 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш;

- ушбу ҳолат аввал судланган шахс томонидан содир этилган бўлса, 500 дан 1000 минимал иш ҳақи миқдорида ёки 5 ойдан 1 йилгача муддатда олган даромадлари миқдорида ёки 3 йилгача қамоқ жазоси билан жазоланишади.

7. Юридик шахслар томонидан солиқ тўлашдан бош тортиш РФ Солиқ кодексининг 199-моддасига мувофиқ, даромад харажатлар тўғрисидаги маълумотларни бухгалтерия ҳужжатларини нотўғри келтирган ёхуд солиқ объектларини яширган ҳолда тақдим этилса, ушбу фаолият билан шуғулланишни 5 йилгача тақиқлаш ёки 3 йилгача қамоқ жазоси билан жазоланишади.

Агар бу ҳолат қайта такрорланса, мансабдор шахс 5 йилгача қамоқ жазоси билан ҳамда бирор юқори мансабни эгаллашдан 3 йилга маҳрум этилиши кўрсатиб ўтилган.

Солиқ агентлари ҳамда бошқа масъул ходимлар жавобгарлиги:

1. Солиқ агентининг жавобгарлиги.

РФ Солиқ кодексининг 24-моддасига мувофиқ, солиқ агенти бу – солиқ тўловчининг солиқларни ҳисоблаш, бюджетга ўтказиш билан боғлиқ мажбуриятларини ўз бўйнига олувчи шахслардир.

Кодекс солиқ агентининг ҳуқуқбузарликлари сифатида қуйидагилар келтирилган:

а) Солиқ агенти томонидан қонунчиликда белгиланган ҳужжатларни солиқ идораларига тақдим этилмаслиги – ҳар бир тақдим этилмаган ҳужжат учун 50 рубл миқдорида жарима қўлланилади;

б) солиқ агенти томонидан бюджетга нотўғри ҳисобланган солиқ суммасини ўтказиши – қўшимча ҳисобланган суммани 20% миқдорида жарима қўлланилади;

в) бошқа ҳолатлар.

2. Гувоҳнинг жавобгарлиги – солиқ ҳуқуқбузарлиги иши бўйича гувоҳ, асосиз сабабларга кўра, гувоҳлик бериш учун чақириқдан сўнг келмаса, бу ҳолат ёлғон гувоҳлик берилганлиги билан тенглаштирилади ва 3000 рубл миқдорида жарима ундирилишига сабаб бўлади.

3. Эксперт, таржимон ва мутахассиснинг жавобгарлиги – Солиқ кодексининг 129-моддасига асосан, солиқ текширувларида жалб этилиши кўзда тутилган эксперт, таржимон ҳамда мутахассислар солиқ текширувида иштирок этишдан бўйин товласалар, 500 рубл миқдорида жарима қўлланилади. Юқорида келтирилган шахслар томонидан ҳолат нотўғри талқин этилса, маълумотлар нотўғри тайёрланса – 1000 рубл миқдорида жарима ундирилади.

Бошқа масъул шахсларнинг жавобгарлиги:

Бу турдаги шахсларга солиқ-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этувчи шахслар (идоралар)ни киритишимиз мумкин. Жумладан, жисмоний шахслар мол-мулкани, юридик шахслар ва тадбиркорлар фаолиятини ва ҳ.к. рўйхатга олувчи банклар ва бошқа ташкилотлар.

РФ Солиқ кодексига мувофиқ, рўйхатга олувчи идоралар томонидан, солиқ идораларига маълумотларни тўлиқ, умуман тақдим этмаслиги ёки нотўғри тақдим этиш ҳолатлари юзага келса, ушбу идоранинг мансабдор шахсига нисбатан:

- 1000 рубл миқдорда жарима қўлланилади;
- ҳуқуқбузарлик йил давомида такроран содир этилса, 5000 рубл миқдорда жарима қўлланилади.

Банкларнинг жавобгарлиги:

- банклар томонидан давлат рўйхатидан ўтганлик, гувоҳномасиз солиқ тўловчига ҳисобварақ очилиши – 10000 рубл миқдорда жарима қўлланилишига олиб келади;

- солиқ тўловчига ҳисобварақ очилганлиги тўғрисидаги маълумотларни муддатида солиқ идораларига тақдим этилмаса – 20000 рубл миқдорда жарима қўлланилади;

- солиқ тўловчининг ҳисобварағини ёпиш тўғрисидаги солиқ идораларининг кўрсатмасига амал қилинмаса, ҳисобрақамдан тўлов амалга оширилган сумманинг 20%и миқдорида жарима қўлланилади;

- солиқ идораларининг солиқ тўловчининг ҳисобрақами орқали амалга оширилган операциялари юзасидан қонуний мурожаатини бажармаса, 10000-20000 рублгача жарима қўлланилади.

РФ Солиқ қонунчилигида содир этилган солиқ ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик чораларини енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳамда жавобгарликни бекор қилувчи ҳолатлар белгилаб қўйилган. Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 111-моддасида жавобгарликни бекор қилувчи ҳолатлар келтирилган, жумладан:

- солиқ ҳуқуқбузарлиги белгиларига эга ҳаракатлар табиий офатлар, фавқулодда ҳолатлар ва бошқа енгил бўлмас ҳолатлар натижасида содир этилган бўлса;

- солиқ ҳуқуқбузарлиги жисмоний шахс томонидан оғир психик ҳолатда содир этилган ёки ушбу шахснинг раҳбарлигида амалга оширилган бўлса;

- солиқ тўловчи томонидан солиқ агенти, солиқ идоралари ёки бошқа давлат ваколатли идоралари масъул ходимлари ёзма кўрсатмаларига асосан амалга оширилган хатти-ҳаракатлар;

- юқорида келтирилган ҳолатларнинг бирон-биттаси мавжуд ҳолда шахс солиқ жавобгарлигига тортилмайди.

Кодекснинг 112-моддасида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар белгилаб берилган:

- ҳуқуқбузарлик оғир шахсий ёки оилавий ҳолатлардан келиб чиқиб содир этилган бўлса;

- ҳуқуқбузарлик моддий, касбий ёки бошқа қарамлик натижасида куч ишлатиш, мажбур қилиш ёки қўрқитиш оқибатида юзага келган бўлса;

- суд томонидан қабул қилинадиган бошқа ҳолатлар.

Солиқ кодексининг 114-моддасида эса, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат келтирилган бўлиб, бундай ҳолат, аввалда худди шу тоифадаги

хуқуқбузарлик амалга оширган шахсга нисбатан қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Россия Федерациясининг солиқ қонунчилигида қўлланиладиган жазо чоралари бирмунча енгил бўлиб, максимал даражада табақалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигида кўзда тутилган жазо чораларига нисбатан такомилроқ бўлиб, қонунчиликдаги барча талабларнинг бузилганлиги ҳолатларида аниқ чоралар келтирилганлигини кўришимиз мумкин²¹.

1.3. Солиққа оид хуқуқбузарликларни кўриб чиқувчи хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг таснифи (хорижий тажриба мисолида)

Солиқ идораларининг асосий вазифалари солиққа тортишнинг самарали тизимини ташкил қилиш ҳамда солиқ тўловчиларнинг бажарувчанликларини етарли даражада таъминлашдан иборат. Улар орасида, яъни солиқ органлари таркибида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- солиқ сиёсатининг юритилишига жавоб берувчи органлар;
- тўғридан-тўғри солиқлар ва тўловларни ундириш ҳамда уларнинг тўланишини назорат қилувчи органлар;
- солиқ соҳасида алоҳида ваколатларга эга бўлган органлар.

Барчага маълумки, солиқ сиёсатини белгилаш кўпгина давлатларда юқори вакиллик органлари ёки ижро этувчи органлари ихтиёрида бўлади. Фискал сиёсатни эса кўпгина давлатларда ижро ҳокимиятлари бажариб, уларга давлат даромадлари ва молиясини бошқариш вазифалари юкланган бўлади. Масалан, Францияда солиқ сиёсатини иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Грецияда - молия вазирлиги, Қозоғистонда - давлат даромадлари вазирлиги, Швейцарияда - молия федерал департаменти, Ўзбекистонда - давлат солиқ қўмитаси амалга оширади.

²¹ Тошмуродова Б. Солиқ назорати ТМИ, 2007, Б. 87-92.

Баъзи давлатларда молиявий муассасалар билан бир қаторда, давлат бошқарув органлари таркибига мустақил солиқ органлари ҳам киритилган. Бундай ҳолатларда солиқ бошқарувини амалга ошириш ваколатларни тақсимлаб олиш йўли билан бажарилади. Хитойда молия вазирлиги таркибига кирувчи солиқ бошқармаси солиқ сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш билан шуғулланадиган бўлса, солиқларни ундириш ҳамда назорат қилиш ижро ҳокимиятининг бошқа бир органи Бош давлат солиқ бошқармасига юклатилган. Бу олий солиқ органи ҳисобланиб, унинг (СТАТУС) Хитой халқ республикаси давлат кенгаши қошидаги вазирлик даражасига тенг, шунинг учун ҳам солиқ сиёсати билан боғлиқ молиявий таклифларни Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқишади. Солиқ бошқарувининг бундай шакли дунёнинг бошқа давлатларида ҳам қўлланилади. Масалан, Японияда солиқларни ундириш ва солиқ сиёсатини юритиш миллий солиқ бошқармаси томонидан амалга оширилса, солиқ тизимини ўрганиш, режалаштириш ҳамда ишлаб чиқиш, Молия вазирлиги таркибига кирувчи солиқ дерартаменти зиммасига юклатилган.

Солиқ бошқарувчи органлари даражаси кўпроқ тўғридан-тўғри солиқларни ундириш ҳамда ундирилишни назорат қилувчи, ижро этувчи органлар тўғри келади. Солиқ бошқарувчи органларининг номланиши ҳам ҳар бир давлатда ўзига хос, улар: Германияда - Федерал солиқ бошқармаси; Бразилияда - Федерал солиқ хизмати, Қирғизистонда - давлат солиқ инспекцияси, Малайзияда - ички даромадлар кенгаши, Францияда - солиқ бош дирекцияси, Швейцарияда - Федерал солиқ идораси.

Дунё амалиётида солиқ органлари маъмурий фаолиятини ташкил этишининг турли кўриниш ва шакллари мавжуд: 1) Баъзи давлатларда улар мустақил идора ҳисобланишади (Австралия, Хитой, Япония), бошқаларида молия органларининг таркибий қисми (Италия, Франция, Швейцария, АҚШ) ёки давлат даромадлари билан шуғулланувчи идоранинг қарамоғида ҳисобланади, айрим давлатларда солиқларнинг турига қараб, яъни бевосита

ёки билвосита солиқ турларига кўра солиқ бошқарув идоралари фарқланади, масалан, Таиландда солиқ департаменти билан бирга Акциз департаменти ҳам мавжуд. Солиқни ундириш билан боғлиқ ваколатлар солиқ идораларининг турли даражасидаги таркибий тузилмалари ўртасида тақсимланиши ҳам мумкин. Канадада Квебек даромадлар вазирлиги ўз провинциясида бошқа провинциал солиқлар билан бир қаторда, федерал солиқларни ҳам ундиради, бошқа барча ҳудудларда эса солиқларни ундириш билан боғлиқ ишларни Канада Бож ва йиғимлар агентлиги бажаради. Баъзи мамлакатларда, Австралияда солиқ бошқарув органлари йўқ, шунинг учун солиқларни ундириш ишларини Молия вазирлигига қарашли молия дирекциялари ва хизматлари амалга оширади.

Солиқ бажарувчи идоралари тузилмаси қуйидаги вазифаларни бажарувчи ташкилий тузилмаларни ўз ичига олади:

- Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш;
- солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушишини назорат қилиш;
- солиқ юзасидан қарзларни ундириш;
- солиқ қонунчилиги ҳақида ахборотлар бериб, унинг қўлланилишини тушунтириш;
- солиққа тортиш билан боғлиқ муаммоларни ҳамда низоларни кўриб чиқиш;
- молиявий, кадрлар билан, ахборотлар билан таъминлаш.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, Хитой давлат бош солиқ бошқармасининг таркибий тузилишини кўриб чиқадиغان бўлсак, унда бир қатор департамент ва бошқармалар мавжуд. Жумладан, солиқларни ундириш ва бошқариш департаменти, Молиявий бошқариш департаменти, назорат департаменти, бош бошқарма, солиқ сиёсати ва солиқ қонунчилиги

бошқармаси, режалаштириш ва статистика бошқармаси оборотдан олинадиган солиқлар бошқармаси, даромаддан олинадиган солиқлар бошқармаси, маҳаллий солиқларни назорат қилиш бошқармаси, қишлоқ хўжалиги солиқларини назорат қилиш бошқармаси, халқаро солиқ бошқармаси, экспорт ва импортни солиққа тортиш бошқармаси, солиқ жиноятларини суриштирув бошқармаси, кадрлар бошқармаси. Шу билан бирга, ҳар бир ташкилий таркибий тузилмага қарашли бўлимлар ҳам мавжуд. Булардан ташқари, солиқ бошқарувчи тизими таркибига солиқ соҳасини тадқиқ этувчи илмий текшириш институти, солиқчи кадрлар тайёрлаш маркази, солиқ агентларини бошқариш Маркази, солиқ коллежи.

Солиқ бошқарув идоралари таркибига махсус шароитларда иш юритувчи алоҳида тузилмалар ҳам киритилиши мумкин. Масалан, Озарбайжон Республикаси солиқ ишлари вазирлиги таркибида махсус солиқ муҳитига эга бўлган катта миқдорда солиқ тўловчилар ва корхоналар билан ишлаш департаменти ташкил этилган. Айрим давлатларда (Болгария, Германия, Украина, Япония) солиқ бошқарув идоралари ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳам бажаришади, шунинг учун уларнинг таркибига солиқ жиноятларини суриштириш бўйича таркибий тузилмалар қўшилган.

Солиқ жиноятларини қидирув борасида Германия солиқ органлари таркибига кирувчи «Штойфа» (немисча - Стеуерфаҳндунг, Стеуфа) анча ном чиқарган. Худудлар ва жойларда солиқ маъмурияти органлари минтақавий ҳамда маҳаллий тузилмаларга тақдим этилган. Мисол учун, Исроил давлати солиқ органларининг тизими таркибида 24 та округ солиқ бошқармалари, 9 та округ солиқ бўлимлари олинган мол-мулкларнинг солиқлари бўйича шуғулланишади, 4 та суриштирув-тергов ва 3 та боқимандаларни ундириш билан шуғулланишади. Финландия солиқ бошқармаси тизимида 10 та губерния солиқ инспекцияси, 89 та туман солиқ инспекцияси ва 77 та пунктларда солиқ тўловчилар билан иш олиб борилади. Япония миллий солиқ бошқармасига 11 та минтақавий солиқ бошқармалари, Окинава

минтақавий солиқ инспекцияси ва 524 та солиқ инспекциялари бўйсунушади. У ёки бу давлатда таркибий миқдори неча киши бўлиши бу мамлакатдаги солиқ тўлов потенциалининг даражаси ҳамда тўловчилар сонига қараб турлича бўлиши мумкин. Қиёслаш учун шуни келтиришимиз мумкин, Францияда бу кўрсаткич 82,4 минг киши, Буюк Британияда 100 минг кишини, АҚШ да 120 минг кишини. Хитойда 990 минг дан ортиқ кишини ташкил этган (Хитойдаги ишчилардан 575 минг киши давлат солиқ бошқармасида, 416 минг киши эса ҳудудий ва маҳаллий, солиқ инспекцияларида фаолият кўрсатади).

Солиқ маъмурияти органларида ишлаш, одатда, ходимларга маълум чекловлар қўйиши мумкин. Масалан, Болгарияда солиқ маъмурияти органлари мансабдор шахслари илмий-педагогик фаолиятдан ташқари қўшимча шартнома асосида меҳнат фаолияти олиб бора олмайди. Бундан ташқари, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, Тижорат ҳамда бошқа корхоналар фаолиятини шахсан ёки бошқа вакиллар орқали бошқаришда қатнашиши тақиқлаб қўйилган. Кўпгина давлатларда солиқ маъмурияти органлари солиқ назорати борасида жуда катта ва кенг имкониятларга ва ваколатларга эга ҳисобланишади. Қоида бўйича, одатда, солиқ маъмурияти органлари мансабдор шахсларига солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилиш ва текшириш пайтида даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланаётган хизмат ёки ишлаб чиқариш биноларига сўзсиз киришлари, шунингдек, олинган даромадлар (фойдаларга) тааллуқли бўлган хизмат ҳужжатлари ҳамда ҳисоб-китобларга доир китобларни, дафтарларни, ахборотларни ола билишлари керак. Аммо, солиқ маъмурияти органларининг ваколатларига барча солиқлар билан боғлиқ киритилмаслиги ҳам мумкин. Финландияда белгиланган ва тўланадиган 14 та солиқ турининг атиги 8 тасини солиқ маъмурияти органлари ундиришади, қолганлари бошқа мутассади ташкилотлар ва божхона томонидан ундирилади. Қатор давлатларда баъзи солиқ турларини чегарадан ўтиш пайтининг ўзида

божхона органлари томонидан ундирилади. Солиққа тортиш соҳасидаги алоҳида ваколатларга, ижтимоий ёки хусусий ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ҳам эга бўлишлари мумкин. Бу ҳолатда улар фақатгина солиқни ундириш билан шуғулланишмасдан бошқа босқичлардаги ишларни ҳам бажаришлари мумкин бўлади. АҚШда ички даромадлар хизмати, шахсларни қидириб топувчи компаниялар хизматидан фойдаланиб, солиқ тўлашдан қочиб юрган кишилар-шахсларни топиб солиқни ундиришади. Хитойда эса, қонунчиликка биноан, солиқ маъмурияти органлари айрим кичик солиқ турларини ундириш билан боғлиқ ишларни ҳамда бошқа ишларни ваколатномага асосланган ҳолда турли хил шахсларга топширишлари мумкин. Қуйида биз махсус мавқега эга бўлган солиқ маъмурий бошқаруви тизимини қараб чиқамиз.

Австралия солиқ органлари таркиби солиқ департаменти ва унинг жойлардаги тузилмаларидан иборат ҳисобланади. Австралия солиқ департаменти таркибига ўнта бўлинмалар кириб, улар қуйидагилардир: Солиқ қонунчилиги хизмати, Молиявий хизмат, компаниялар ишлари бўйича хизмат ва бошқалар. Солиқ хизматининг ҳудудий ташкилий тузилмалари федерацияга қарашли субъектларнинг марказларида ташкил қилинади. Солиқ органларининг фаолияти 1953 йилда қабул қилинган «Солиқ маъмурий бошқаруви» тўғрисидаги қонунга биноан амалга оширилади. Солиқ органлари раҳбари комиссар ҳисобланади. Унинг асосий вазифаларидан ҳисобланган, декларацияларни молиявий йилнинг охирига (30 июнь) қадар топшириш ҳақида огоҳлантириш ва керакли шаклдаги солиқ декларациясини матбуотда нашр қилинишни энг аввал бажариш керак ҳисобланади. Солиқ декларациясини қабул қилиб олишгандан сўнг, солиқ инспекторлари жисмоний шахслардан тўланиши керак бўлган солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқиб, тўловчига хабарнома жўнатади. Компания ва корхона ташкилотларининг ҳисоблаб тўлаган солиқлари тўғри ёки нотўғри эканлигини назорат қилиш мақсадида солиқ органлари томонидан

аудиторлик текширувлари ўтказилади. Солиқ аудиторининг уч хил шакли мавжуд:

- дастлабки аудитда компаниялар томонидан тақдим этилган фоизлар, дивидендлар ҳақидаги маълумотларнинг солиқ декларациясида берилган маълумотлар билан тўғрилиги текширилади;

- бизнес аудит компаниянинг мол-мулк ва молиявий ҳужжатларини жойида текширувни назарда тутди;

- комплекс аудитда махсус тузилган гуруҳлар томонидан катта-катта компанияларда ўтказилади.

Солиқ органлари ходимлари қонунларга асосан ўзларига хизмат вазибаларини бажаришлари давомида маълум бўлган тегишли маълумотларни сир сақлашлари керак бўлади. Канадада солиқлар ва йиғимларни тўplash-ундириш билан божхона ва йиғимлар агентлиги шуғулланади (инглизча-Санада сustomс анд Ревеуе Агеней, ССРА). Агентлик вазирлар маҳкамаси таркибига кирувчи миллий даромадлар министри орқали мамлакат парламентиға ҳисобот беради. Илгари даромадлар вазирлиги ўрниға ташкил этилган бу агентликни ташкил этишдан мақсад, солиқ тўловчиларға солиқ органлари хизмат кўрсатувчи орган эканлигини кўрсатишдан иборат эди. Тўловчилар таркибини қарайдиган бўлсак, 2 миллиондан ортиқ, мол ва хизматлар учун солиқ тўловчи мавжуд бўлса 1,3 миллион иш берувчи фаолият кўрсатмоқда. Агентлик мана шу солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишларини назорат қилади. Умумий 45 мингта ишчиға эға бўлган агентликда солиққа доир қонунларни талқин қилиш билан шуғулланишади. Фақатгина Квебек провинциясида солиқ ундириш провинциал даромад вазирлиги томонидан амалға оширилади, қолган жойларда агентликнинг 43 бўлими иш олиб боради. Канаданинг асосий қисмида провинциал солиқлар жумладан даромад солиғи марказий ва маҳаллий идораларнинг шартнома асосида келишувларига кўра

агентлик томонидан ундирилади ҳамда бу иш учун агентлик арзимаган миқдорда пул тўлашади. Бундай шаклда агентлик томонидан йиғилган солиқлар ойда 2 мартадан 4 мартагача бўлиб провинцияларга бериб турилади. Фақатгина Аьберта, Квебек ва Онтарио провинциялари бундай шартнома тузмаганликлари учун бир хил шартномалардан бошқачароқ, яъни ўзлари иш олиб борадилар. Онтариода солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан провинциал молия вазирлигига қарашли солиқ сиёсати бўлими томонидан олиб борилади. Украинада солиқ маъмуриятини бошқариш 1990 йил 4 декабрда №509-Х-сон билан чиқарилган қонунга кўра олиб борилиб, у «Украинада давлат солиқ хизмати тўғрисида» деб номланади. Бу қонуннинг биринчи бандига биноан, давлат солиқ хизмати органлари тизимига қуйидагилар тегишли ҳисобланади: Украина давлат солиқ маъмурияти, вилоятлар ҳамда Киев ва Севастопол шаҳарлари давлат солиқ маъмуриятлари, туман, шаҳар, шаҳар туманларидаги давлат солиқ инспекциялари. Украина давлат солиқ маъмурияти ижро ҳокимиятининг марказий органи ҳисобланади, уни бош вазир тавсиясига кўра президент томонидан тайинланган раис бошқаради.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- Солиқ қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш; бюджетга ва давлатнинг мақсадли фондларига солиқ ҳамда тўловчиларнинг тўғри ҳисобланиб, ўз вақтида, тўлиқ тўланишини таъминлаш;
- солиқ тўловчи жисмоний шахслар ҳақидаги давлат реестрини юритиш ҳамда шакллантириш ва солиқ тўловчи юридик шахслар ҳақида ягона маълумотлар базасини юритиш, ташкил қилиш;
- солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилигини тушунтириш;

- солиқ милицияси ваколатларига давлат томонидан бириктирилган ҳолатлар юзасидан олдини олиш, суриштирув ўтказиш, очиб бериш, қидирув текширувлари ўтказиш.

Солиқ органлари тўғридан-тўғри: солиқлар ҳақида қонунларга риоя этилишини назорат қилиш, солиқ тўловчилар ҳисобини олиб бориш солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тушиши, шунингдек жисмоний шахсларни ўз вақтида рўйхатга олиш; солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиши, солиқ декларацияларининг аниқ тўлдирилиши, солиқ объектларига нисбатан ҳисоб-китоб муаммоларининг тўғри қўлланилганлиги ҳамда бошқа ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини назорат қилишади; солиқ қонунчилиги бузилган ҳолатларда тўланиши керак бўлган молиявий; маъмурий жазо чораларининг қўлланилиши, жарима ва пеняларнинг тўғри ҳисобланиб, ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш; солиқ қонунчилиги бузилишларига доир маълумотларни таҳлил қилиб вазиятга баҳо бериш орқали чора-тадбирларни қўллаш; солиқларни яшириш ва камайтириб кўрсатиш фактлари юзасидан текширувлар ўтказиш; қарздор корхоналарнинг мол-мулкига тўловни қаратиш юзасидан давлатларни судга тақдим қилиб бюджетга ҳамда давлатларнинг бюджетдан ташқари фондларига боқимандаликни ундириб бериш; акциз йиғимлари юзасидан тегишли маркаларнинг мавжудлигини назорат қилиш; солиқларга тегишли қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб боришади.

Солиқ органлари ваколатларига қуйидагилар киритилган: юридик шахслар ва жисмоний шахслар томонидан солиқларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни текширишни ташкил этиш; текшириш жараёнида юзага келган ҳолатлар юзасидан керак бўлган тушунтириш хати баённома, маълумотнома каби ёзма кўринишдаги ҳужжатларни фуқаролар ва мансабдор шахслардан олиш; фуқаролардан, ташкилотлардан, банклардан,

тадбиркорлик фаолияти субъектларидан маълумотлар, молия-хўжалик фаолияти ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари, олинган даромад фойда, қилинган харажатлар тўғрисидаги ва шу каби солиқларни ҳисоблаш, тўлаш, ундириш билан боғлиқ маълумотларни олиш; корхона, ташкилот-бирлашмаларига тегишли бўлган омбор, ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа биноларни кўздан кечириш, агар тадбиркорлик субъектларининг юридик манзили ёки даромад олиш манбаи сифатида ишлатилаётган бўлса фуқароларнинг турар жойлари ҳам кўздан кечирилиши мумкин; корхона, ташкилот бирлашмалар раҳбарлари, мансабдор шахсларидан содир этилаётган солиқ қонунчилиги юзасидан жиноятларга чора кўришларини талаб қилиш ҳужжатли текширув ўтказилишига қаршилик қилса ёки бино-иншоотларга солиқ хизмати ходимларини киритмасалар, солиқ ва бошқа тўловлар юзасидан юритилган ҳисоблаш ҳамда тўлашда асос ҳисобланувчи ҳужжатларни тақдим этишмаса, ёхуд тадбиркорлик фаолиятининг маълум бир тури билан шуғулланиш ҳақидаги рухсатнома, лицензияларни тақдим этмаслик ҳолатларида иш жараёнларини тўхтатиб қўйиш; солиқ тўламаганликларини ёки яширганликларини кўрсатувчи ҳужжатларни (нусхасини қолдирган ҳолда), корхона, ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисобланган фуқаролардан олиб қўйиш; корхона, ташкилотлар, бирлашма ва фуқаролардан молиявий жаримани ундириб олиш ҳамда белгилаш. Японияда солиқларни ундириш (божхона божлари ва бир нечта йиғимлардан ташқари) Миллий солиқ бошқармаси зиммасига юклатилган. Бу ташкилот бош бошқарма, минтақавий солиқ бошқармалар ва инспекциялардан иборат. Бош бошқарма солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ва давлат солиққа тортиш ишларининг режасини ишлаб чиқади, минтақавий бошқарма ва инспекциялар бажариши мажбурий ҳисобланган кўрсатма ва директивалар чиқаради, бошқа ташкилот, вазирлик ҳамда чет эл солиқ органлари билан мувофиқлаштириш ишларини бажаради. Ўз навбатида таркибида: бошқарув хизмати бошлиғининг котибияти; солиққа тортиш бўлими; текширувлар бўлими; жиноий суриштирувлар бўлимини

бирлаштиради. Минтақавий солиқ бошқармалари тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларнинг текширувларини ўтказди. Жойлардаги солиқ инспекциялари жисмоний ва юридик шахсларнинг тўлов қобилиятларини баҳолашади ҳамда солиқ ва тўловларни ундиришади. Солиқ инспекциялари ўз таркибида: мувофиқлаштириш бўлими (кадрлар масаласи, бухгалтерия ҳисоби ва умумий масалалар бўйича мувофиқлаштириш), тушумларни йиғиш ва назорат қилиш, жисмоний шахслар бўйича инспекторлар гуруҳи, корхона, ташкилотлар бўйича инспекторлар гуруҳини бирлаштиради. Миқдори кўпроқ ҳисобланган солиқ инспекцияларида, халқ билан ишловчи инспектор жорий қилинган²².

1-боб бўйича умумий хулоса

Сўнгги пайтларда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортиш билан боғлиқ қонунчиликка киритилган ўзгаришларга эътибор берилса, улар тадбиркорларга қатор енгилликлар бериш йўлида либераллаштирилаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2013 йилнинг 25 декабрида "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"²³ги ва 2013 йилнинг 7 октябрида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"²⁴ги Ўзбекистон Республикаси Қонун²⁴ларининг қабул қилиниши билан Солиқ кодексига солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланган моддаларнинг нормалари либераллаштирилган ҳолда қуйидагича ўзгаришлар киритилди, жумладан:

²² Солиқ ҳуқуқи асослари: Ўқув қўлланма / Жўраев Абдуғаффор Сафарович, Артиков Неъматулла Абдусаламович – Т.: Тошкент молия институти, 2012. – б.

²³ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни (ЎР ҚХТ 2013 й., 52-сон, 685-модда)

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни (ЎР ҚХТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)

— 114-моддага кўра, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яширганлик (камайтириб кўрсатиш) учун яширилган тушум суммасига тенг миқдорда жарима белгиланган норма, эндиликда жарима миқдори яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасининг 20 фоизи миқдорига камайтирилди;

— 115-моддада назарда тутилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси Солиқ кодексидан чиқариб ташланди;

— 116-моддада назарда тутилган бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси Солиқ кодексидан чиқариб ташланди;

— 117-моддада назарда тутилган фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси Солиқ кодексидан чиқариб ташланди;

— 120-моддада назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун тўланадиган пеня миқдори 0,05 фоиз миқдоридан 0,033 фоиз миқдорига камайтирилди.

Амалга оширилган мазкур ўзгаришлар натижасида Солиқ кодексидан содир этилганлиги учун жавобгарлик чиқариб ташланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Мазкур ислоҳотлар тадбиркорларга енгилликлар беришга қаратилган бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркор молиявий санкция суммасини ўзида қолдириб, уларни ўзининг тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириши учун сарфлаши мумкин. Зотан жавобгарлик чорасини қўллашдан мақсад жазолаш эмас, балки ҳуқуқбузарни тарбиялаш орқали ўз фаолиятини қонунга мувофиқ олиб боришга чорлашдир.

2-БОБ. СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Давлат солиқ хизмати органларининг солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этишдаги роли ва аҳамияти

Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқий асоси қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сон қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмининг янада тартибга солиш тўғрисида”ги 2013 йил 24 январдаги ПҚ-1910-сонли қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Қарори;
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарори ва бошқалар.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги ВМҚ-98-сон Қарорида белгиланганидек, Давлат солиқ қўмитаси солиқ қонунчилигига риоя этилишини, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулк ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги назорат бўйича республика

давлат бошқаруви органи ҳисобланади²⁵. Давлат солиқ қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси тизимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари (кейинги ўринларда давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари деб аталади), шунингдек тасарруфидаги ташкилотлар ва таълим муассасалари (кейинги ўринларда тасарруфидаги ташкилотлар деб аталади) киради.

Бундан ташқари, Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда амалга оширадилар.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча солиқ тўловчилар – юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўзларига юкланган вазифаларни давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлати ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, статистика ва молия органлари, банклар ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 162-модда; 2012 й., 50-сон, 565-модда; 2015 й., 9-сон, 100-модда)

Давлат солиқ қўмитаси ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари юридик шахс ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўладилар²⁶.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида, белгиланган ходимлар сони доирасида, Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бўйича 9 нафар ходимдан иборат махсус бошқарма ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлимлари тузилган ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар томонидан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китобларни олиб бориш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилиши мониторингини амалга ошириш ва назорат қилиш;

- чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда валюта жиноятлари ва ҳуқуқбузарликларини ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва чек қўйиш, шу жумладан, назорат хариди механизми воситаси орқали аниқлаш, аниқланган қоидабузарлик фактлари бўйича материалларни жиноят турига қараб қонунни муҳофаза қилиш органларига топшириш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ва хизматлар учун нақд хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш бўйича аниқланган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасини яратиш ва юритиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик масалалари бўйича аҳоли ва хўжалик юритувчи

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 162-модда; 2012 й., 50-сон, 565-модда; 2015 й., 9-сон, 100-модда)

субъектлар ўртасида кенг тушунтириш, профилактика ишларини олиб бориш²⁷.

“Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси²⁸га мувофиқ, Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

✓ давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш;

✓ солиқларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш;

✓ солиқлар йиғилишини ошириш бўйича чоралар кўриш, маълумотлар компьютер базасининг ягона тизимини юритиш асосида солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш механизмларини такомиллаштириш, уларга кўрсатиладиган ахборот-маслаҳат хизматлари соҳасини кенгайтириш, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

✓ пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш;

✓ хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини рағбатлантиришга, уларга зарур имтиёзлар ва

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмининг янада тартибга солиш тўғрисида”ги 2013 йил 24 январдаги ПҚ-1910-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 4-сон, 44-модда)

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; 9-10-сон, 182-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 51-сон, 514-модда; 2005 й., 21-сон, 148-модда; 37-38-сон, 280-модда; 51-сон, 376-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 52-сон, 557-модда; 2010 й., 37-сон, 314-модда; 2012 й., 15-сон, 163-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)

преференциялар беришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

✓ бозорлар ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳудудида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш;

✓ хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини такрорлаш ва суиистеъмолликларга йўл қўймаслик;

✓ юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ҳамда экспорт-импорт операциялари амалга оширилганда қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш;

✓ давлат солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан тўлдириш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан ёндашиш фактларига барҳам бериш бўйича тизимли ишни амалга ошириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни доимий асосда таъминлаш.

Давлат солиқ кўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тушиши прогнозини ишлаб чиқишда қатнашади;

солиққа оид қонун ҳужжатларини, шу жумладан табиий ресурслардан эҳтиётлаб ва самарали фойдаланишни рағбатлантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, солиқ юкини қисқартириш, солиқ

маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлари ва идоралари билан биргаликда солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солиш масалалари бўйича идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

солиқ ҳисоботлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар шаклларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

солиқ қонунчилиги бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларини нашр қилади, давлат солиқ хизмати органларини қонун ҳужжатлари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан солиқ соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича халқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади ҳамда уларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди;

б) солиқ соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш соҳасида:

солиқ тўловчилар фаолиятини белгиланган тартибда солиқ бўйича текширади, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия мажбурий бадалларининг тўғри ҳисоблаб чиқилишини, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг фуқароларнинг яқка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини текширади;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

юрлик ва жисмоний шахслар томонидан валюта экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини белгиланган тартибда назорат қилади;

солик тўловчилардан ёки уларнинг мансабдор шахсларидан тушунтириш хатлари олади, солик тўловчининг мол-мулки мавжудлигини текширади, шунингдек ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан солик тўловчилар томонидан даромадлар олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солик солиш объектини сақлаш билан боғлиқ жойларни кўздан кечиради (текширади);

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пул маблағлари ва моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини, корхоналар ҳудудига моддий бойликларни олиб кириш ва у ердан олиб чиқишда корхоналарда рухсат бериш тизими ишларининг ташкил этилиши ҳолатини текширади;

солик тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) давомида ҳисоботдаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўғрилигини аниқлаш, давлат солик хизмати органларига тақдим этилган молиявий ҳисоботлар ва солик ҳисоб-китобларида фактларнинг бузиб кўрсатилишини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш учун бухгалтерия ҳисоблари ва молиявий ҳисоботларни текширади;

юрлик ва жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

солик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа ахборотларни текширади;

солик қонунчилигининг бузилиши ҳолатларини таҳлил қилади ҳамда соликқа доир ҳуқуқ бузилишларига кўмаклашадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли органларга таклифлар киритади;

хуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда солиққа оид хуқуқ бузилишларига қарши курашишнинг узоқ муддатли ҳамда жорий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш масалалари бўйича республика назорат органлари фаолиятининг мувофиқлаштирилишини, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини такрорлашга ва суиистеъмолчиликларга йўл қўйилмаслигини таъминлайди;

в) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ миқдорда тушишини таъминлаш соҳасида:

солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (тўхтатилиши) тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

белгиланган тартибда солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган молия ва солиқ ҳисоботларини, шунингдек солиқ тўловчиларнинг фаолияти тўғрисида солиқ органлари ахборот ресурс маълумотларининг ягона интеграциялашган базасида йиғилган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида камерал назоратни амалга оширади;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини, шунингдек давлат органларига берилган мол-мулк ҳисобини назорат қилади;

юримдик шахслар томонидан фойдаланилган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган қарзларни йиғади ва маблағларнинг тўлиқ тушишини назорат қилади;

г) солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни тўлиқ қамраш ва ҳисобга олиш механизмларини

такомиллаштириш, Солиқ тўловчилар идентификациялаш тартиб рақамларининг ягона реестрини юритиш соҳасида:

солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлайди;

юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни четдан келтирувчи жисмоний шахсларни давлат солиқ хизмати органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказишни таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларга уларни, идентификациялаш тартиб рақамлари берган ҳолда, солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисида ҳужжатлар беришни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил қилади;

Солиқ тўловчилар идентификациялаш тартиб рақамларининг ягона реестрини шакллантиради ва юритади;

солиқ органлари ахборот ресурс маълумотларининг ягона интеграциялаштирилган базасида солиқ тўловчилар бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоблаб чиқилиши ва амалдаги тушумлари ҳисобини юритади;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини юритади;

банклар томонидан тегишли ахборот тақдим этилишига кўра банк счётлари бўйича олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик фаолияти бўйича — уч ой мобайнида) пул операцияларини амалга оширган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни аниқлайди;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бош тортиши механизмларини ўрганади, аниқлайди ва бартараф этади;

ахборот хавфсизлиги таъминланишини ҳисобга олган ҳолда, барча солиқ тўловчилар ва солиқ тушумлари бўйича ахборот ресурс маълумотларининг ягона интеграциялаштирилган базасини ташкил қилади;

солиқ ахборотларини қабул қилиб олиш, ишлаш, узатиш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштириш чора-тадбирларини кўради;

давлат солиқ хизмати органларида, ахборот хавфсизлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, ягона ахборот, дастурий-техник ва телекоммуникация тизими жорий этилишини ташкил қилади;

солиқ маъмуриятчилиги жараёнида давлат солиқ хизмати органлари ишига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади ҳамда харажатларни мақбуллаштириш ва ресурс таъминотини ривожлантириш учун уларни технологик жараёнларни юритишнинг замонавий тизимлари ва бошқаришнинг тезкор воситалари билан жиҳозлайди.

д) солиқ солиш базасини кенгайтириш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, солиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

солиққа оид ҳуқуқ бузилишларини содир қилган шахсларни қидириб топиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига белгиланган тартибда беради, давлатга етказилган зарарни белгиланган тартибда ундиришни таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа мажбурий тўловлар бўйича тўлов муддати ўтган қарзларнинг Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ундиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар ташкил этилиши ва қўлланишини таъминлайди;

акцизга тортиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва уларнинг муомалада бўлишидаги ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва уларга барҳам беришни белгиланган тартибда ташкил қилади ва амалга оширади;

ишлаб чиқариш ва даромадлар миқдорларини яшириш, сотилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ҳажмларини камайтириб кўрсатиш механизмларини ўрганиш ва аниқлашни ташкил қилади ҳамда амалга оширади, кўрсатиб ўтилган механизмларнинг қўлланишини бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

маъмурий ҳуқуқбузилишлари бўйича ишларни юритади;

солиққа оид жиноятларнинг содир этилиши ҳолатларини аниқлаш учун, суриштириш, тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни қидириб топиш учун оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланади;

е) пул маблағларининг ноқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, нақд пул тушумининг аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан банклар кассаларига ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш соҳасида:

савдо ва хизматлар кўрсатишни ташкил этишнинг қонунчиликка мувофиқлиги, шу жумладан назорат-касса машиналарини, пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиб олиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини қўлланиш, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда маркировка қилиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

товарларни улгуржи сотишда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилади;

нақд пул маблағлари муомалада бўлишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд пул айланмасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва уларга барҳам бериш тадбирларини ташкил қилади ва амалга оширади;

савдо, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан савдо ва нақд тушумни банклар кассаларига топшириш қоидаларига риоя этилишини белгиланган тартибда режадан ташқари текширишларни амалга оширади;

ж) солиқ қонунчилигига риоя этиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ёрдам кўрсатиш, уларга кўрсатиладиган ахборот-маслаҳат хизматлари турларини кенгайтириш соҳасида:

солиққа доир қонун ҳужжатларини нашр этиш, кўпайтириш ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органларига етказиш, маслаҳат хизматлари кўрсатиш, солиқ тўловчиларни солиқларни ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш, солиқ ҳисоботларини ва солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этишга ўқитиш учун сервис-марказлар ташкил қилади;

солиқ солиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказиш ишларини ташкил этади;

солиқ тўловчиларга реал вақт режимида кенг қўламли интерактив хизматлар кўрсатилишини ташкил этади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари ҳимояланишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ солиш ва солиқ қонунчилиги бузилиши масалалари бўйича муурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигига риоя этиш ишларини ташкил қилади ва бошқалар²⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 октябрдаги Р-3296-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Ишчи комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси марказий аппарати тузилмасида Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасини ҳамда унга бўйсунувчи, бошқарув ходимларининг умумий сони 604 нафар, шу жумладан Бош бошқарма ходимлари сони — 14 нафардан иборат бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлимларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи Президентнинг ПҚ-1257-сон Қарори билан қабул қилинган бўлиб, унга кўра Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари зиммасига қуйидагилар юкланган:

- бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида назорат қилиш;
- бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойларида молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва барҳам бериш;
- бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида сифатсиз, қалбакилаштирилган (ясама) ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга қарши курашиш;

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 162-модда; 2012 й., 50-сон, 565-модда; 2015 й., 9-сон, 100-модда)

➤ бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятдан олинган пул оқимлари ва маблағлар тушуми ҳисобининг тўлиқ юритилишини таъминлаш;

➤ молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқни бузиш содир этилиши ҳолатлари бўйича терговдан олдинги текширишларни ташкил этиш ва олиб бориш, жиноий ишлар қўзғаш, улар бўйича суриштирув ишларини амалга ошириш, жиноят ишларини терговга тегишлигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириш;

➤ солиқ билан боғлиқ ҳуқуқ бузилишлари натижасида давлатга, юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириш чора-тадбирларини кўриш³⁰.

“Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга эканлиги келтирилган:

1) солиқ тўловчиларда (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектлардаги муқобил текширувларда) молиявий ҳужжатлар, шартномалар (контрактлар), режалар, сметалар, даромадлар ҳақидаги декларациялар ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг, шу жумладан электрон ҳужжатларнинг, шунингдек экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларнинг текширувларини ўтказиш;

2) солиқ текшируви ўтказаетганда:

даромадлар олиш учун солиқ тўловчилар томонидан фойдаланилаётган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ ҳудудни, ишлаб

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 4-модда; 2013 й., 4-сон, 44-модда)

чиқариш бинолари, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш;

мол-мулкни инвентаризация қилиш ва бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг назорат ўлчовларини ўтказиш;

кассаларни ҳамда товар-моддий бойликлар ва ҳужжатлар (шу жумладан электрон тарзидаги) сақланадиган жойларни муҳрлаб қўйиш;

солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ҳужжатларни (кўчирма нусхаларни, шунингдек асл нусхаларни), шу жумладан электрон ҳужжатларни, шунингдек предметларни (товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини) олиб қўйиш, бундан солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ҳамда предметлар мустасно. Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади;

солиқ тўловчидан, шунингдек солиқ тўловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахслардан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олиш;

таржимонни, экспертни жалб этиш ва экспертиза тайинлаш;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

3) савдо, товарларни бериш ва пуллик хизматлар кўрсатиш қоидаларига, шунингдек нақд пул тушумининг банкка ўз вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш;

4) солиқ текширувлари ўтказилаётганда фискал хотирали назорат-касса машиналарида сақланаётган маълумотлардан фойдаланиш;

5) солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилиши лозим бўлган солиқлар суммасини солиқ тўловчи тўғрисидаги, шунингдек унга ўхшаш бошқа солиқ тўловчилар ҳақидаги ўзларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилиш орқали мустақил равишда аниқлаш;

6) солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида солиқларни ҳисоблаш ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиш;

7) солиқларни ундиришга доир вазифаларни амалга ошираётган давлат органлари ва ташкилотларини солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ундириб олиниши ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўз вақтида ўтказилиши юзасидан назорат қилиш;

8) солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёки солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш рад этилган, солиқ тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаган, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаган ҳолларда банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан суд тартибида чоралар кўриш (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш аниқланган ҳоллар бундан мустасно).

9) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

солиқларга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш. Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазо чоралари

суд тартибида қўлланилади, улар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқроп бўлган ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш;

10) солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг аниқланган фактлари бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда давлат даромадига ўтказиш. Солиқ тўловчилар — юридик шахсларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг товар-моддий бойликларини давлат даромадига ўтказиш суд тартибида амалга оширилади;

11) солиқ тўловчиларнинг ғайриқонуний равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш ҳақида уларга нисбатан судда даъволар кўзғатиш;

12) солиқ тўловчига мажбуриятини бажариши зарурлиги ҳақида ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисида талабнома юбориш;

13) солиқ тўловчи солиқ ҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун ичида ёзма ариза бермаган тақдирда, солиқларнинг ортиқча тўланган суммаларини бошқа турдаги солиқлар бўйича солиқ қарзини, пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида тегишли молия органларига мустақил равишда хулоса тақдим этиш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган ҳолларда, агар ҳужжатлар чет тилида тузилган бўлса, уларнинг нотариал тартибда тасдиқланган давлат тилидаги таржимасини талаб қилиш;

15) тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни юридик шахслардан

олинадиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш;

16) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш коидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш;

17) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги фактлари юзасидан терговга қадар текширувлар ўтказиш, улар бўйича жиноят ишлари кўзғатиш ҳамда суриштирув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1—7-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига, 8—15-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар фақат давлат солиқ хизмати органлари бошлиқларига ва уларнинг ўринбосарларига, 16 ва 17-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар эса давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмалари мансабдор шахсларига белгиланган тартибда берилади.

Давлат солиқ хизмати органлари давлат статистика, ахборот, архив, маълумот ва бошқа ташкилотларининг солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотларни бериш юзасидан кўрсатадиган хизматлари (бажарадиган ишлари) учун ҳақ тўлашдан озод қилинади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва судлар томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118, 119-моддалари³¹ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси³²га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

Ушбу Қонуннинг 2-моддасида прокуратура органларининг асосий вазифалари қаторига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш киришлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қуйидагилар келтириб ўтилган:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

³¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси («Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон)

³² Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда)

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жинойтчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жинойт ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жинойтлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жинойт-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш³³.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жинойтларга қарши курашишни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 291-сон Қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ соҳасидаги қонун бузилишларига қарши тезкор курашиш бош бошқармаси базасида ва унинг мавжуд штатдаги ходимлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий фаолиятдан олинган

³³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда

даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда «Департамент» деб аталади) ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилган бўлиб³⁴, унинг асосий вазифаларига қуйидагилар киритилган:

- солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

- давлат солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловчиларни қамраб олиниши ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, қочишнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини, «хуфёна» иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини, коррупция ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

- валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини назорат қилиш; хорижий валюта маблағларининг қонунга ҳилоф равишда четга чиқиб кетиши, олиб келиниши ва олиб чиқилиши, ноқонуний муомалада бўлиши ва валюта-айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонун бузилишларининг олдини олиш ва бартараф этиш;

- молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш; жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкӣ операциялар мониторингини ташкил этиш ва амалга ошириш; аниқланган ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бўлинмаларига жиноий

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 291-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 13-сон, 88-модда; 2002 й., 22-сон, 182-модда; 2010 й., 21-сон, 162-модда; 2013 й., 50-сон, 647-модда)

таъқибни ташкил этиш, маъмурий таъсир чораларини кўришлик учун ўз вақтида ахборот тақдим этиш;

- солиқ ва валюта-молия соҳасида аниқланган жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишлари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасини яратиш ва юритиш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ва шартномаларига мувофиқ валютани тартибга солиш соҳасида, шунингдек, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда халқаро-ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборотлар айирбошлаш;

- солиқ сиёсати ва валюта муомаласини тартибга солиш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича кенг тушунтириш, профилактика ишларини амалга ошириш³⁵.

Департамент Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланиб, солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишлари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, террористик фаолиятни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш унинг асосий мақсади ҳисобланади. Департаментнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарув, маҳаллий ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар ва

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда)

ташкilotлар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича жиноий иш қўзғашдан бошлаб уни судда кўриб чиқишгача бўлган процессуал ҳаракатларнинг узвийлиги ва изчиллиги Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ҳамда терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноий ишларни кўриб чиқувчи, судда улар бўйича давлат айбномасини қувватловчи барча даражадаги прокуратура органлари билан ўзаро узвий ҳамкорлиги ва ҳаракатларининг мувофиқлаштирилиши натижасида таъминланади.

Давлат солиқ органлари билан биргаликда Департамент ва унинг жойлардаги бўлинмаларига МЖТКнинг 264-моддасида белгиланган 13 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилган. Уларга, жумладан, қуйидагилар киради:

1. 159¹-модда. Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик;

2. 160-модда. Уй-жойларни қуриш қоидаларини бузиш ёки уй-жойларга доир мулк ҳуқуқларини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслик (Ушбу модданинг иккинчи қисми бўйича);

3. 164-модда. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (Ушбу модданинг биринчи ва бешинчи қисмлари бўйича);

4. 168-модда. Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш;

5. 171-модда. Валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш;

6. 172-модда. Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш;

7. 174-модда. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш;

8. 175-модда. Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш (Ушбу модданинг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари бўйича)

9. 175⁴-модда. Иш ҳақини тақиқланган шаклларда тўлаш

10. 175⁵-модда. Ходимлар сонини яшириш

11. 176²-модда. Хўжалик юритувчи субъектнинг манзили, банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш

12. 179¹-модда. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш

13. 215³-модда. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини бузиш.

Давлат солиқ органларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи, унинг ўринбосари, Департамент ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар бўлимларининг бошлиқлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақлидирлар.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддаси³⁶да суриштирув органлари таркибида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича суриштирув ишларини олиб бориш ваколати берилган.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон

Судларда солиққа оид ҳуқуқбузарликларни ихтисослигига қараб жинойт ишлари бўйича судларда маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан, хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъектларига молиявий санкциялар ҳуқуқий таъсир чораси сифатида хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади.

Маъмурий ишлар бўйича судьялар МЖТКнинг 245-моддасида келтирилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида судья:

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи суд таркибини эълон қилишдан бошланади. Суд мажлисида раислик қилувчи қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисида ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва

тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси ўқиб эшиттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида суд: маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкӣ зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Агар суд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки МЖтКнинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир.

Суд ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиб, МЖтКнинг 310-моддасида назарда тутилган қарорлардан бирини чиқаради.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судга келиб тушган кундан эътиборан уч сутка ичида МЖтКнинг 303, 304, 306—309-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 155¹¹-моддасига кўра, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида аризалар билан хўжалик судларига назорат қилувчи органлар мурожаат қилишга

ҳақли³⁷. Назорат қилувчи органлар қаторига солиқ органлари ҳам кириб, улар, ўз навбатида, молиявий жазо чораларини қўллаш ҳамда бошқа талаблар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак, ариза хўжалик судига келиб тушганидан кейин камида бир ойдан сўнг кўриладиган молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда хўжалик суди суд мажлисида: ҳуқуқбузарлик ҳодисаси бўлган-бўлмаганлигини ва унинг содир этилганлиги фактини; текшириш учун ва текшириш натижалари бўйича далолатнома ёки бошқа ҳужжат тузиш учун асослар ва назорат қилувчи органнинг ваколатлари бор-йўқлигини; мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган-тутилмаганлигини ва ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асослар бор-йўқлигини аниқлайди.

Молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда хўжалик суди молиявий жазо чоралари суммасининг ҳисоб-китоби қанчалик тўғрилигини ҳам текширади.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича келишув битими тузилишига йўл қўйилмайди.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 234-модда

2.3. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишни такомиллаштириш масалалари

Маълумки, юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги, фойдани яшириши, камайтириб кўрсатиши давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатади. Тўланиши ва бюджетга тушиши лозим бўлган маблағлардан жамият манфаатига зид равишда фойдаланилиши эса солиқ соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфини янада оширади³⁸.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Бир қатор тадқиқотчилар солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш муаммосини тавсифлар экан, унга қуйидаги чора-тадбирлар мажмуини киритишади:

фуқароларни солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланаётган чоралардан хабардор қилиш;

солиқ тизимини соддалаштириш;

қонунчиликдаги солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга туртки берувчи камчиликларни бартараф этиш;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликларни кучайтириш;

фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

³⁸ Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнали. №2/2016

тўланган солиқлар қаерга йўналтирилаётгани ҳақида солиқ тўловчиларга ахборот бериш;

инсофли солиқ тўловчиларни рағбатлантириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва солиқ идоралари ходимларининг ижобий имижини яратиш ва мустаҳкамлаш устида иш олиб бориш;

барча тоифадаги солиқ тўловчилар учун тенг шароитлар яратиш;

солиқ идоралари ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш, юқори малакали кадрларни жамлаш;

солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг энг криминоген тармоқлари (акцизли товарлар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш)ни тартибга солишга қаратилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартибларида солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлашга имконият яратувчи қоидаларни чиқариб ташлаш.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳам солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этишга кўмаклашади.

Шунингдек, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари мажмуи қуйидаги ўзаро боғлиқ вазифаларга асосланади: ҳуқуқбузарликларнинг динамикаси, тузилиши ва сабабларига билвосита профилактик таъсир кўрсатиш (умумий ижтимоий профилактика); солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг сабабларини бартараф этиш бўйича махсус чоралар (дилектологик профилактика); солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишнинг ҳуқуқий воситаларини қўллаш (молиявий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий профилактика).

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг энг муҳим сабабларидан бири солиқ тўловчиларнинг амалдаги солиқ солиш тизимига салбий муносабатда эканидир. Бундай муносабат кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий онги пастлиги ҳамда айрим солиқчиларнинг хуфиёна иқтисодиётга алоқадорлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятнинг асосий йўналиши, бизнингча, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда солиқ идораларини коррупционер солиқчилардан тозалаш бўлиши керак.

Шундай қилиб, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

- 1) солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органларнинг куч-ғайратини бирлаштириш;
- 2) солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик муқаррарлигини тушунтириш;
- 3) инсофли солиқ тўловчиларни рағбатлантириш;
- 4) мамлакат солиқ тизимини ислоҳ қилиш, унда коррупцияга қарши кураш чораларини кучайтириш;
- 5) солиқ юкини камайтириш, айти пайтда солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазо чораларини кучайтириш;
- 6) корхоналар рўйхатдан ўтказилиши ва тугатилиши ҳамда назорат-касса машиналаридан фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш;
- 7) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг моддий-техник базасини ва мазкур органлар ходимларининг турмуш шароитларини яхшилаш керак.

Мазкур чора-тадбирлар солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, жумладан, уларнинг камайиши, қонунга итоаткор солиқ тўловчилар сонининг ошиши, аҳолининг ҳуқуқий ва иқтисодий маданияти юксалишига

олиб келади ва пировардида, давлат бюджетига солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланишига хизмат қилади.

2-боб бўйича умумий хулоса

Хулоса тарзида айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланаётган ҳуқуқий таъсир чоралари, уларнинг фаолиятини текширишда йўл қўйилаётган хатолар, тадбиркорлик субъектлари содир этаётган солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари, сабаблари чуқур таҳлил қилиниши зарур. Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда бу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Зеро, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида: «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият - демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир³⁹», - дея таъкидлагани ҳам бежиз эмас. Ҳуқуқий маданияти юксак бўлган тадбиркор янада кўпроқ манфаат топиши, юртга ҳам кўпроқ наф келтиришига шубҳа йўқ.

³⁹ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 56.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг IV бўлими, 16-бобида солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар умумлаштирилган. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортишнинг умумий қоидалари, жавобгарлик субъектлари, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айбни ва жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар, даъво муддати ва бошқалар шулар жумласидандир. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишнинг умумий шартларига кўра, ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексда назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Шунингдек, ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилмаслиги ва бошқалар белгиланган.

Бир қатор тадқиқотчилар солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш муаммосини тавсифлар экан, унга қуйидаги чора-тадбирлар мажмуини киритишади:

фуқароларни солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланаётган чоралардан хабардор қилиш;

солиқ тизимини соддалаштириш;

қонунчиликдаги солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга туртки берувчи камчиликларни бартараф этиш;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликларни кучайтириш;

фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

тўланган солиқлар қаерга йўналтирилаётгани ҳақида солиқ тўловчиларга ахборот бериш;

инсофли солиқ тўловчиларни рағбатлантириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва солиқ идоралари ходимларининг ижобий имижини яратиш ва мустаҳкамлаш устида иш олиб бориш;

барча тоифадаги солиқ тўловчилар учун тенг шароитлар яратиш;

солиқ идоралари ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш, юқори малакали кадрларни жамлаш;

солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг энг криминоген тармоқлари (акцизли товарлар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш)ни тартибга солишга қаратилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

юримдик шахслар ва хусусий тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартибларида солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлашга имконият яратувчи қоидаларни чиқариб ташлаш.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳам солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этишга кўмаклашади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг энг муҳим сабабларидан бири солиқ тўловчиларнинг амалдаги солиқ солиш тизимида салбий муносабатда эканидир. Бундай муносабат кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий онги пастлиги ҳамда айрим солиқчиларнинг хуфиёна иқтисодиётга алоқадорлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятнинг асосий йўналиши, бизнингча, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда солиқ идораларини коррупционер солиқчилардан тозалаш бўлиши керак.

Солиқ тўловчилар томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ўзлаштириши, билим савияларини мунтазам равишда ошириб бориш;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан берилган имтиёзларнинг қонуний қўлланилиши ва имтиёзлар натижасида бўшаган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;

- солиқ маслаҳатчилари ва аудиторлик ташкилотлари хизматларидан кенгроқ фойдаланиш;

- Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ташкил қилинадиган семинарлар, давра суҳбатларида иштирок этиш, солиқ соҳасига оид мақолалар, савол-жавоблар билан мунтазам танишиб бориш;

- қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар билан доимий равишда танишиб бориш;

- солиқ соҳасига оид муаммолар ёки тушунмовчиликлар вужудга келганда давлат солиқ хизмати органлари ёки Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Республика ахборот маслаҳат марказига мурожаат қилиш;

- тадбиркорлик субъектларига бухгалтерия ҳисобини юритиш, солиқ объектларини аниқлаш, солиқ ва тўловлар суммаларини ҳисоблаб чиқаришда Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Бухгалтерга электрон мадад» бухгалтерия дастурий маҳсулидан фойдаланиш тавсия этилади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш уларни бартараф этиш имконини беради:

1) солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органларнинг куч-ғайратини бирлаштириш;

2) солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик муқаррарлигини тушунтириш;

3) инсофли солиқ тўловчиларни рағбатлантириш;

4) мамлакат солиқ тизимини ислоҳ қилиш, унда коррупцияга қарши кураш чораларини кучайтириш;

5) солиқ юкини камайтириш, айти пайтда солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазо чораларини кучайтириш;

б) корхоналар рўйхатдан ўтказилиши ва тугатилиши ҳамда назорат-касса машиналаридан фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш;

7) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг моддий-техник базасини ва мазкур органлар ходимларининг турмуш шароитларини яхшилаш керак.

Мазкур чора-тадбирлар солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, жумладан, уларнинг камайиши, қонунга итоаткор солиқ тўловчилар сонининг ошиши, аҳолининг ҳуқуқий ва иқтисодий маданияти юксалишига олиб келади ва пировардида, давлат бюджетига солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланишига хизмат қилади.

Илова

| Ҳуқуқбузарлик номи | Ҳуқуқбузарлик турлари | Кўриладиган чора (санкция) |
|--|---|--|
| Солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан бўйин товлаши | Фаолият кўпи билан 30 кун амалга оширилган бўлса | ЭКИҲнинг 50 баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда |
| | Агар фаолият 30 кундан ортиқ амалга оширилган бўлса | ЭКИҲнинг 100 баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда |
| Солиқ тўловчининг, шу | Белгиланган муддатдан кўпи билан 30 | ЭКИҲнинг 50 баравари миқдорида |

| | | |
|---|--|--|
| <p>жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг давлат солиқ хизмати органида объектлар бўйича ҳисобга туришдан бўйин товлаши</p> | <p>кун ўтган бўлса</p> | |
| <p>Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш)</p> | <p>Белгиланган муддатдан 30 кундан ортиқ ўтган бўлса</p> <p>Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги ҳоллари хужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс этирилмаганлиги</p> <p>Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларнинг алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги</p> <p>Ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг</p> | <p>ЭКИХнинг 100 баравари миқдорида</p> <p>товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.</p> |

| | | |
|---|--|--|
| | омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги | |
| Кирим қилинмаган товарларни сақлаш (бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно) | | <p>кирим қилинмаган товар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган санкция қўлланилмайди</p> |
| Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш (солиқ тўловчи - жисмоний шахсга ёки солиқ тўловчининг мансабдор шахсига) | Солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини | Бундай ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс |

| | | |
|--|--|---|
| <p><i>нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилганда)</i></p> | <p>белгиланган муддатда тақдим этмаганлик учун солиқ тўловчи – юридик шахснинг мансабдор шахси ёки солиқ тўловчи – жисмоний шахс маъмурий жавобгарликка тортилади.</p> | <p>(бундан кейинги ўринларда МЖтК деб юритилади)нинг 175-моддасига мувофиқ ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p><i>(Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, – ЭКИХнинг 3 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солинади).</i></p> |
| <p>Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш</p> | <p>Бухгалтерия ҳисобининг мавжуд эмаслиги ёки уни белгиланган тартибни бузган ҳолда юритганлик ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмаглигига олиб келса,</p> | <p>Бундай ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-1-моддасига мувофиқ ЭКИХнинг 5 бараваридан 10</p> |

| | | |
|---|--|--|
| | <p>солиқ тўловчи — юридик шахсининг мансабдор шахси маъмурий жавобгарликка тортилади.</p> <p>Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги солиқ тўловчи — юридик шахсни бухгалтерия ҳисобини тиклаш мажбуриятидан озод қилмайди.</p> | <p>бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.</p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, – ЭКИХнинг 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жарима солинади.</p> |
| <p>Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш</p> | <p>Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланганлик учун шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.</p> | <p>Лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланганлик учун шахслар, жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165 ва 176³-моддалари ҳамда Жиноят кодексининг 190-моддасига мувофиқ тегишлича маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.</p> |

| | | |
|---|--|---|
| <p>Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш</p> | <p>Қўшилган қиймат солиғи солинмайдиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик</p> | <p>Маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 20 фоизи миқдорида</p> |
| <p>Фискал хотирали НКМларни ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган</p> | <p>Биринчи маротаба</p> <p>Ушбу ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда</p> <p>Техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган НКМлардан</p> | <p>ЭКИҲнинг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда</p> <p>ЭКИҲнинг 75 бараваридан 100 бараваригача миқдорда</p> <p>ЭКИҲнинг 100 баравари миқдорида</p> |

| | | |
|--|---|--|
| бошқа хужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик | фойдаланганлик, шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик | |
| | Ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда | ЭКИХнинг 200 баравари миқдорида |
| Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш | тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради | 0,033 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади (бунда бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди) |
| Ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжатларсиз фойдаланиш | Хужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ер ҳажмидан фойдаланиш ер солиғининг суммасига эквивалент миқдорда: | юридик шахсларга - икки баравари миқдорида |
| | | жисмоний шахсларга - бир ярим баравари миқдорида |

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- I. Раҳбарий адабиётлар
- II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
- III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар
- IV. Қўшимча адабиётлар
- V. Илмий журналлардаги мақолалар
- VI. Интернет сайтлари

Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон. 1998.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. -56 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси («Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон);
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон)
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон)
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон)

5. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон)
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон)
7. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда)
8. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда)
9. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда)
10. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни (ЎР ҚХТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)
11. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни (ЎР ҚХТ 2013 й., 52-сон, 685-модда)
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда; 2013 й., 36-сон, 477-модда)

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 4-модда; 2013 й., 4-сон, 44-модда)

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида”ги 2013 йил 24 январдаги ПҚ-1910-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 4-сон, 44-модда)

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги “Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 291-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 13-сон, 88-модда; 2002 й., 22-сон, 182-модда; 2010 й., 21-сон, 162-модда; 2013 й., 50-сон, 647-модда)

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 162-модда; 2012 й., 50-сон, 565-модда; 2015 й., 9-сон, 100-модда)

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг “Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2013 йил 26 апрелдаги 41, 2013-24-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 299-модда)

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Бердияров Р.Т., Қурбонов З.Н. Солиқ ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т.:2010 йил 231 бет.

2. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. Финансовое право: Учеб.пособие. – М.: Юристъ, 2001. – 384 б.
3. Демин А. В. Налоговое право России. Учебное пособие. – Красноярск. 2006., С.267.
4. Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Т.: “Ўзбекистон” 2006 й., 220-226 бет.
5. Крохина Ю.А. Финансовое право: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2004. – 704 б.
6. Ли А.А. Финансовое право Республики Узбекистан. Учебник. / Отв.ред. М.Х.Рустамбаев. – Т.: ТГЮИ, 2003. – 416 б.
7. Налоговое право: Учебник / Под ред. С.Г.Пепеляева. – М.: Юристъ, 2004. – 591 б.
8. Налоги и налоговое право. Учебное пособие / Под.ред. А.В.Брызгалина. – М., 1997. – 600 б.
9. Рахимова А., Ҳожиёв Э. Молия ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент, 2002. – 408 б.
10. Солиқ ҳуқуқи асослари: Ўқув қўлланма / Жўраев Абдуғаффор Сафарович, Артиков Неъматулла Абдусаламович – Т.: Тошкент молия институти, 2012. – б.
11. Тошмуродова Б. Солиқ назорати ТМИ, 2007.
12. Финансовое право: Учебник / Отв.ред. Н.И.Химичева – М.: Издательство БЕК, 1996. – С. 525.
13. Финансовое право: Учебник / Под ред. проф. О.Н.Горбуновой. – М.: Юристъ, 1996. – 400 б.
14. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Тошкент, Консаудитинформ, 2001. – 432 б.
15. Хожиёв Э.Т. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. – Т., 2006.
16. Худолеёв В.В. Налоги и налогообложение: Учеб.пособие. – М.: ФОРУМ; ИНФРА-М, 2004. – 256 б.

17. Ш.Билолхўжаева, Ғ.Т.Ҳақимов. Ўзбекистон Республикасининг молия ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. – Т., 2012

Қўшимча адабиётлар:

1. Андреев А.В. Финансово-правовые санкции: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1984. – 193 б.

2. Арсланбекова А.З. Налоговые санкции в системе мер финансово-правовой ответственности: Дис.. канд. юрид. наук. – Махачкала, 2001. –179 б.

3. Каньязов Е.С. Административно-правовые проблемы осуществления налогового контроля в Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2005. – 29 б.

4. Карасева М.В. Финансовое правовотношение: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Воронеж, 1999. – 369 б.

5. Мачехин В.А. Налоговая ответственность налогоплательщиков: Автореф. дис. ... канд. юр. наук – М., 2002. - 23 б.

6. Мусаткина А.А. Финансовая ответственность в системе юридической ответственности: Автореф. дис. ... канд. юр. наук – Тольятти, 2004. - 28 б.

7. Хван Л.Б. Административно-правовые проблемы деятельности Государственного налогового комитета Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1998. – 28 б.

8. Хожиев Э.Т.Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. Монография: Т.: 2006 й.

Илмий журналлардаги мақолалар:

1. Крохина Ю.А. Ответственность за нарушения налогового законодательства: понятие, стадии и механизм реализации // Хозяйство и право, 2003. - №5. – С. 102-111.

2. Ҳуқуқ ва бурч. ижтимоий-ҳуқуқий журнали. №2/2016

Интернет сайтлари:

1. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари базаси сайти.

2. www.soliq.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.
3. utax.uz – солиқ маслаҳати ташкилоти сайти.
4. knowledge.allbest.ru